

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY FANLAR

ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

SOCIAL SCIENCES IN UZBEKISTAN

№4 / 2021

1960-yildan nashr etiladi. Bir yilda 4 ta son chiqadi
Издается с 1960 г. Выходит 4 номера в год



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
“FAN” NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2021

Д. ХОДЖИМУРАТОВА

ЭРОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА НИСБАТАН “ЮМШОҚ КУЧ” СИЁСАТИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўнгги йилларда минтақа ва халқаро майдонда фаол ташқи сиёсат олиб бораётган давлатлар ўз миллий манфаатларини илгари суришда «*қаттиқ куч*» деб номланувчи анъанавий босим усулларининг ўрнига «*юмшоқ куч*» концепциясидан кенг фойдаланиши тобора оммалашиб бормоқда. «*Қаттиқ куч*» сиёсати давлатларга нисбатан муайян бир фикрни мажбуран сингдиришга қаратилган бўлса, «*юмшоқ куч*» сиёсати эса давлатларни ўз ихтиёри билан керакли йўналишда ҳаракат қилишга ва эргаштиришга эришиш йўлида самарали натижа берган эди¹. Мазкур назарияга кўра, маданий, ижтимоий-сиёсий омиллар ҳамда ички ва ташқи сиёсатнинг мақсадли амалга оширилиши орқали керакли сиёсий натижаларга эришиш мумкин. Мазкур омиллар моҳирона қўлланилиши мамлакат имижининг ташқи майдонда ошишига хизмат қилади ва ташқи сиёсатнинг «*юмшоқ куч*» деб номланадиган ўзига хос ресурсини шакллантиради. Давлатнинг «*юмшоқ кучи*» унинг маданияти, қадриятлари, сиёсий ва ижтимоий дастурларининг жозибадорлигига асосланади². «*Юмшоқ куч*» муайян бир давлатнинг бошқа мамлакатлардагига нисбатан оммавий ахборот воситалари таъсири натижасида ижобий образининг шаклланишидир³.

Эрон қадимдан ўз маданиятини қўшни минтақаларга тарқатишга ҳаракат қилади. Буни «*юмшоқ куч*» сиёсати компонентларининг биридан фойдаланиш, деб баҳолаш мумкин. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Эрон маданиятини тарқатиш ғоясига “ислом инқилоби”нинг хорижий давлатларга экспорт қилиши ҳам қўшилди. Эрон ташқи сиёсати ва дипломатиясини амалга ошириш механизмида ўзига хослик мавжуд бўлиб, бунда мамлакат раҳбари «*юмшоқ куч*» сиёсатини белгилаб беради ҳамда халқаро майдонда оммавий дипломатияни амалга оширади. Ушбу мулоҳазанинг яққол далили сифатида 1997-2005 йиллари Эрон президенти Муҳаммад Хотамий илгари сурган ва мамлакатдаги консерватив доиралар томонидан кескин танқид қилинган «*цивилизациялар мулоқоти*» концепциясини зикр этиш мумкин⁴.

1 Nye J. S. Soft Power : The Means to Success in World Politics. Public Affairs, 2004. P. 5.

2 Бобыло А.М. «Мягкая сила» в международной политике: особенности национальных стратегий // Вестник Бурятского государственного университета. 2013. № 14. С. 129—135.

3 Казанцев А.А., Меркушев В.Н. Россия и постсоветское пространство: перспективы использования «мягкой силы» // Полис. 2008. № 2. С. 122—135.

4 Курылев К.П., Никулин М.А., Гончарова А.А. «Мягкая сила» культурной дипломатии Исламской Республики Иран // Вестник МГОУ. Сер.: История и политические науки. 2017. № 2. С. 48.

XX асрнинг 90-йиллари бошида Эрон маъмурлари мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари билан муносабатларни ўрнатаётганида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга устуворлик беришга интилмаётганини очиқ намоён этди. Аммо минтақа давлатлари Эрон билан асосан молиявий-инвестицион ҳамкорликни ривожлантиришга устуворлик қилди. Расмий Техрон Марказий Осиё йўналишидаги ташқи сиёсатида энг самарали механизм бўлмиш “*юмшоқ куч*” сиёсатининг маданий ҳамкорлик элементиға, хусусан тарихий ва маданий умумийликка асосий урғуни қаратди. Эроннинг минтақаға таъсирини кенгайтириш стратегиясида диний омил кўпроқ Эрон маданияти ва анъаналарини Марказий Осиё республикаларига олиб кириш учун восита сифатида хизмат қилди⁵.

Марказий Осиё республикаларининг геостратегик нуфузи тобора ортиб борган сари минтақада расмий Техрон томонидан ўз миллий манфаатларини илгари суришни тақозо қилган. Эрон ўзининг изчил ташқи сиёсий концепциясини амалға ошириш йўлида Марказий Осиёда ўз сиёсий таъсирини кенгайтириш ва мустаҳкамлашға интилади. Ушбу стратегия Эрон томонидан Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Афғонистон йўналишларида изчил амалға оширилмоқда. Этномаданий яқинлик, шунингдек, минтақа аҳолисининг салмоқли қисми форсийзабон эканлиги Эронға Марказий Осиё республикаларига нисбатан “*юмшоқ куч*” сиёсатини кенг татбиқ этиши учун қулай имкониятлар яратади. Ҳозирги пайтда минтақа давлатларидан Қирғизистон маданият ва таълим соҳаларида Эрон билан изчил алоқаларни ривожлантирмоқда.

Эрон Марказий Осиё республикаларига нисбатан ташқи сиёсатини бир вақтнинг ўзида сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий йўналишларда юрита бошлади. Маданий-маърифий соҳадаги ўзаро муносабатлар Марказий Осиё давлатларида форс тилини ўқитишға ихтисослаштирилган мактабларни очиш даражасида амалға оширилмоқда. Марказий Осиё республикаларида Эрон мактаблари дастлаб XX асрнинг 90-йиллари бошида очилди. 1997 йили Эронда президентлик лавозимига Муҳаммад Хотамий сайланганидан сўнг, Эроннинг Марказий Осиё республикаларига нисбатан ташқи сиёсати прагматизм тамойиллари асосида амалға оширила бошланди. Эроннинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан оммавий дипломатияси кенг қамровли бўлиб, узоқ муддатли истиқболға мўлжалланган.

Расмий Техрон таълим инсонларнинг тафаккуриға таъсир

5 Лаумулин М. Центральная Азия и Pax Iranica: взаимодействие и взаимовлияние// Центральная Азия и Кавказ. 2014. №2. С. 126.

этувчи асосий омиллардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда ўзининг “*юмшоқ куч*” сиёсатини амалга оширишга катта эътибор беради. Шу муносабат билан мазкур қадриятлар тизимига эга ижтимоий гуруҳни шакллантириш минтақада ўз манфаатларини мажбурлаш орқали эмас, балки ўзаро келишув асосида илгари суриш борасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Эрон мамлакат ташқи сиёсатини амалга ошириш доирасида Марказий Осиё республикаларининг таълим тизимига ўз таъсирини ўтказишга интилади.

Эрон Марказий Осиё республикаларига нисбатан «*юмшоқ куч*» сиёсатини амалга оширишда, мазкур республикаларнинг миллий манфаатларини қиёсий таҳлил қилиш асосидаги ҳулосаларига, шунингдек, минтақа ҳудудида яратилаётган таълим механизмлари орқали ўз миллий қадриятларини илгари суриш услубларини ўрганиш борасидаги тадқиқотларига таянади. Шу билан бирга, Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси ўзининг таълим соҳасидаги фаолиятига Марказий Осиё давлатларидаги ҳукмрон доираларнинг радди-феълени доимий равишда ўрганиб боради.

Буларнинг барчаси ушбу минтақада Эрон манфаатларини илгари суришга хизмат қилувчи тамомила ўзгача платформани шакллантиришга йўналтирилган. Эрон минтақа мамлакатлари бозорларига жиддий қизиқиш билдираётганининг қўшимча далил сифатида расмий Техроннинг Марказий Осиёда ўз имижини яхшилашга алоҳида эътибор қаратаётганлигини айтиш мумкин. Қайд этмоқ жоизки, 1992 йили Эронда Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини тадқиқ этиш маркази таъсис этилган бўлиб, кейинчалик у ерда “Амударё” ҳамда “Марказий Осиё ва Кавказ” журналлари чоп этилиши йўлга қўйилган⁶. Шу даврдан бошлаб, Эрон ва Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари ва нодавлат ташкилотлари томонидан маданий ҳамкорликни ривожлантириш борасида дастлабки ташаббуслар илгари сурила бошланди. Техрон Марказий Осиёда оммавий дипломатияни амалга оширишда маданий-цивилизацион элементларга таянади. Яъни, минтақа давлатларида Эрон оммавий дипломатиясининг маданият соҳасидаги ташаббусларини амалга оширишда Маданият ва ислом ишлари вазирлиги томонидан бошқариладиган Маданият ва исломий алоқалари ташкилоти муҳим роль ўйнайди.

XX аср 90-йилларининг биринчи ярмида Эрон ҳукумати маданий ҳамкорлик борасида Қирғизистон (1993), Туркменистон (1996), Тожикистон (1993) ва Қозоғистон (1995) билан

6 Джаббари Насир Х. Р. Особенности формирования центральноазиатского направления публичной дипломатии Ирана // Изв. Сарат. ун-та. Нов. сер. Сер. Социология. Политология. 2019. Т. 19, вып. 1. С. 108.

меморандумлар имзолади⁷. 1994 йилга келиб, минтақанинг барча давлатларида Эрон элчихоналари очилиб, улар сиёсий ва савдо-иқтисодий масалалар билан бир қаторда оммавий дипломатияни амалга ошириш, яъни маданият соҳасида ташаббусларни илгари суриш, илм-фан бўйича ҳамкорликни ривожлантириш билан шуғулланди⁸. 1996-1999 йиллар мобайнида минтақанинг барча давлатларида Маданият ва исломий алоқалар ташкилотига бўйсунувчи Эрон маданият марказлари очилди. Ушбу марказларнинг фаолияти турли маданий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилди. Хусусан форс тилини ўргатиш, эронликлар ва минтақа халқлари учун тегишли шоирлар ва мутафаккирлар шарафига тадбирлар ўтказиш, китоблар нашр этиш ва кутубхоналар ташкил қилиш назарда тутилди.

Исроиллик эксперт Дэвид Минешрининг фикрича, эронлик стратеглар ва сиёсий технологлар ташқи сиёсатни амалга ошириши расмий равишда Эронда “*юшоқ куч*” услубидан фойдаланиш XX асрнинг 60-70-йилларидан бошланган⁹. Шундан келиб чиқиб, сиёсий технологлар Эроннинг мазкур стратегияси мамлакатда таҳсил олаётган кўп сонли талабалар ва ўқувчилар орқали яқин истиқболда ўзининг самарасини беради, деган мулоҳазани илгари сурмоқда. Эрон ўз маданиятини Марказий Осиёда тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида мамлакатнинг ижобий имижини шакллантириш учун минтақа республикаларида Эроннинг маданият ва тил ўқитиш марказларини яратиш орқали амалга оширишни режалаштирган. Мазкур стратегияни амалга оширишда Эроннинг “Саъдий” жамғармаси фаолияти алоҳида аҳамиятга моликдир. «Саъдий» жамғармаси 2012 йилда Эрон ташқи сиёсатининг стратегик мақсадлари асосида ташкил қилинган бўлиб, хорижий мамлакатларда таълим ва илмий тадқиқот ҳамда маданият ва медиа соҳасида фаолиятни ташкил қилиш орқали “*юшоқ куч*” сиёсати ресурсларидан фойдаланишни кўзлаган¹⁰.

“Саъдий” жамғармаси дунё мамлакатларида форс тили ва адабиётини ўқитиш бўйича асосий марказ бўлиб хизмат қилиши режалаштирилган. Шунингдек, унга турли давлатларда форс тили ва адабиёти ўқитилишини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган. Мазкур жамғарма форс тили ўқитувчилари малакасини ошириш, зарур ўқув адабиётларини яратиш билан бирга ҳар йили чет элликлар учун форс тилини ўқитиш бўйича ўқув курслари ва махсус дастурлар ташкил этади.

7 Устнидж Э. Внешняя культурная политика Ирана в Центральной Азии : емонстрация политического прагматизма // Центральная Азия и Кавказ. 2014. Т. 17, № 4. С. 131–144.

8 Варнавский Д. Иран и государства Центральной Азии: генезис, состояние и перспективы сотрудничества// Центральная Азия и Кавказ. 2008. № 2. С. 145–152.

9 David Menashri. Education and the Making of Modern Iran, 1992, P 56.

10 <https://saadifoundation.ir/en/page/280/objective-and-duties>. (Фойдаланилган вақт: 20.07.2021).

Эрон оммавий дипломатиясини Марказий Осиёда амалга ошириш учун XX асрнинг 90-йилларидан Тожикистон асосий майдонга айланди. Бунга тожик ва эрон миллатларининг маданий ва лисоний муштараклиги асосий омил бўлди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида олий даражадаги ташрифлар давомида маданий ва иқтисодий соҳаларда имзоланган бир қанча шартномалар муҳим омилга айланди. Ушбу мулоҳазанинг далили сифатида мазкур давр мобайнида Тожикистонда эронлик ҳамкорлари билан ўтказилган турли хил маданий ва маърифий тадбирлар ҳамда илмий анжуманларни зикр этиш мумкин¹¹.

Техрон ҳукумати томонидан Тожикистонда Эрон маданияти маркази, Тожик-форс маданиятини тадқиқ этиш институти, форс тили ва адабиётига оид манбалар сақланадиган кутубхоналар ҳамда етакчи олий таълим муассасаларида форс тили факультетлари ташкил этилди. Шунингдек, «Пайванд» илмий-оммабоп журнални таъсис этиш ва турли оммавий ахборот воситаларида Эроннинг моддий-маданий мероси, қадриятларини тарғиб қилиш орқали мамлакат ташқи сиёсий мақсадларига хизмат қилувчи илмий мақолалар чоп этиш ишлари молиялаштирилди. Шу билан бирга, Эрон томони Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистон олимларини қўллаб-қувватлаш ҳамда малакасини ошириш, мазкур давлатларнинг ёшларини мамлакат олий таълим муассасаларига кенг жалб қилиш ишларини янада фаоллаштирди¹².

Эроннинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан ташқи сиёсати таҳлил қилинар экан, экспертлар томонидан ўзаро алоқалардаги *“мафкуравий омил”* масаласини инобатга олиш кераклиги ва бу мавзу ҳанузгача турли доираларда таҳдид уйғотиши таъкидланади. 2015 йил декабрь ойи охирида Тожикистондаги фаолияти ман қилинган Ислом тикланиш партияси раҳбари расмий равишда Техронга таклиф этилгани учун Тожикистон Ташқи ишлар вазирлиги Эрон томонига ўз норозилигини билдирди¹³.

Сўнгги йиллар мобайнида Тожикистон томони Эроннинг бундай фаолиятига кескин қаршилик кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатларини изчиллаштирди. Хусусан, Эроннинг Тожикистондаги барча маданият ва таълим марказлари, шу жумладан Имом Хумайний номидаги «Имдод» ёрдам кўрсатиш қўмитасининг фаолияти тугатилди. Бундан ташқари Тожикистоннинг давлат тасарруфидаги оммавий ахборот

11 Махмуди М. Марказий Осиё ва Эрон-Тожик ҳамкорлигининг кўптомонлама ривожини // Motaleat-e Asiyaye Markazi va Qafqaz. 2007. № 58. 7–48 бетлар. (форс тилида).

12 Джаббари Насир Х. Р. Особенности формирования Центральноазиатского направления публичной дипломатии Ирана // Изв. Сарат. ун-та. Нов. сер. Сер. Социология. Политология. 2019. Т. 19, вып. 1. С. 109.

13 Душанбе обратился к Ирану с нотой за приглашение лидера ПИВТ [Электрон ресурс]. URL: http://rus.azattyk.org/archive/ky_News_in_Russian_ru/latest/4795/4795.html?id=27456834 (Фойдаланиш вақти 07.08.2021).

воситаларида Эронга қарши фаол ташвиқот ишлари юритили бошланди. Ушбу мулоҳазанинг далили сифатида Тожикистондаги қуролланган диний-экстремистик кучларнинг фаолияти Эрон томонидан молиялаштирилганини кўрсатувчи хужжатли фильм 2017 йилда Марказий телевидения орқали намойиш этилганлигини зикр этиш мумкин. Мазкур давр икки давлат ўртасидаги муносабатларда кузатилган бундай салбий тенденция Эроннинг Тожикистондаги оммавий дипломатиясининг қамровини торайтирди.

Қирғизистон ва Эрон ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1992 йилда ўзаро дипломатик фаолият ўрнатилган даврдан бошланади¹⁴. 2017 йилдан Эрон ва Қирғизистон ўртасидаги алоқаларнинг фаол ривожланиши қайд этилмоқда. Қирғизистон ва Эрон таълим муассасалари ўртасида ўзаро талабалар алмашиши, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, бегараз таълим грантларини тақдим этиш механизми ишга туширилган. Шунингдек, қирғизистонлик ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари ва ёшларга форс тилини чуқур ўргатиш марказлари очилган. Бу каби ўқув курслари Эрон маданият маркази томонидан Бишкек гуманитар университетидан ташкил этилган.

Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик академияси тадқиқотчиси С.А.Мутовнинг нуқтаи назарича, “Эрон-Қирғизистон алоқалари динамикасида ижобийлик кузатилмаган ва Техроннинг ушбу давлатдаги оммавий дипломатияси таъсири ҳамда қамрови жиҳатидан Россия, Хитой, Туркиянинг бу каби фаолиятдан сезиларли даражада орқада қолди”¹⁵. Шу билан бирга, Марказий Осиё экспертларининг фикрича, Қирғизистон ва Эрон ўртасидаги муносабатлар охириги йиллар қайдига кўра, сезиларли даражада ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда. Эрон ўзининг маданият ва таълим соҳасидаги имкониятлари билан Қирғизистонда муҳим омилга айланди. Эроннинг Қирғизистондаги турли хил маданият ва таълим марказлари расмий Техрон «юмшоқ кучи»нинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Эрон ташқи сиёсатининг “юмшоқ куч” ресурслари Қирғизистоннинг маданият ва таълим соҳасига сафарбар этилган. Эроннинг Бишкекдаги элчихонаси ҳузурида фаолият юритувчи Эрон маданият маркази «юмшоқ куч»ни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Эрон Ислом инқилоби ғалабасининг 40 йиллиги муносабати билан Бишкек шаҳрида Эрон киноси ҳафталиги ўтказилгани икки давлат ўртасидаги алоқаларга янги импульс берди¹⁶.

14 Гарбузарова Е.Г. Инструменты «мягкой силы» Ирана в Кыргызстане // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Политология. 2020. Т. 22. № 1. С. 26.

15 Мутов С.А. Центральная Азия в политике мусульманского мира. Автореферат дис. ... канд. полит. наук. М., 2011. С. 14.

16 Гарбузарова Е.Г. Инструменты «мягкой силы» Ирана в Кыргызстане // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Политология. 2020. Т. 22. № 1. С. 27.

Бугунги кунда Қирғизистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида: хусусан Бишкек гуманитар университети, Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академияси, Қирғизистон-Россия Славян университетида Эрон маданият марказлари очилган. Эрон ушбу марказларни зарур моддий-техник воситалар ва ўқув адабиётлари билан таъминлади. Шунингдек, Эроннинг Қирғизистондаги элчихонаси ислом динига оид фундаментал асарларни қирғиз тилига таржима қилиш ишларини молиялаштиради¹⁷.

АҚШ ва Европа давлатлари санкциялари натижасида Эроннинг иқтисодий ресурслари чекланиб қолганлиги сабабли Техрон Марказий Осиёда ўзининг оммавий дипломатиясини фаол тарзда амалга ошира олмади. Шу боис айрим экспертлар Эроннинг Марказий Осиё давлатларига маданий ва диний таъсири таҳдидларини бўрттирилган, деб баҳолайдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Эроннинг Марказий Осиёга нисбатан “юмшоқ куч” сиёсати этномаданий ресурсларга таянади. Эрон сиёсий тизимининг диний моҳияти доимо Марказий Осиё республикаларини хавотирга солиб келган. Бу ўз навбатида Эроннинг «юмшоқ куч» сиёсати учун ўзига хос тўсиқ вазифасини ўтаган. Минтақа давлатларида Эроннинг маданият соҳасидаги турли ташаббусларига нисбатан эҳтиёткорлик сақланиб қолмоқда.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Эроннинг Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсатида оммавий дипломатиядан фойдаланиши ўрганилган. Эроннинг мазкур сиёсати Марказий Осиё давлатлари таълим тизимида таъсири мисолида таҳлил қилинади. Хусусан, Қирғизистоннинг таълим бозорида Эрон иштирокининг ошганлиги, аксинча, сўнгги йилларда Тожикистонда нисбатан камайиши кузатилгани қиёсий ўрганилди. Мақолада Марказий Осиё республикаларининг таълим соҳасидаги сиёсатида ўзига хос хусусиятлар таҳлил қилинар экан, уларга нисбатан Эрон томонидан амалга оширилган оммавий дипломатиянинг асосий йўналишлари очиб берилди. Эрон минтақа давлатлари билан ҳамкорликда таълим ва маданият соҳасида қатор лойиҳаларни амалга ошириш орқали Марказий Осиёда “юмшоқ куч” сиёсатини қўллаш олиш имкониятлари ва амалга ошириш ресурслари, механизмлари ҳам ўрганилган.

В данной статье рассматривается публичная дипломатия Ирана в отношении Центральной Азии для формирования симпа-

17 Ўша жой. С. 27.

тии внешнеполитического курса официального Тегерана со стороны республик указанного региона. Анализируется данная политика на примере воздействия Ирана на систему образования в государствах Центральной Азии. В частности, отмечается увеличение иранского присутствия на образовательном рынке Кыргызстана, а также относительного уменьшения в Таджикистане в последние годы.

Также раскрываются особенности иранской политики в сфере образования в государствах Центральной Азии. Показаны действия Ирана по налаживанию взаимодействия в области образовательных и культурных проектов с государствами региона. Сделан обзор потенциалов Ирана в Центральной Азии в области применения «мягкой силы», в частности, развития публичной дипломатии и показаны примеры использования Тегераном данных ресурсов.

The article examines Iran's public diplomacy toward Central Asian countries to create a sense of sympathy and attraction for the foreign policy of official Tehran on the part of the republics of this region. This policy is analyzed using the example of Iran's impact on the education system in the Central Asian states. In particular, the increase of Iranian presence in the educational market of Kyrgyzstan and its relative decrease in Tajikistan in recent years are noted. It also reveals the peculiarities of Iranian education policy in Central Asian states and the fear of local elites about the growing influence of religious identity in the region. Iran's active efforts to establish cooperation in the field of educational and cultural projects with the states of the region are shown. An overview is given of Iran's potential in Central Asia to use soft power, particularly public diplomacy, and examples of Tehran's use of these resources are shown.



М У Н Д А Р И Ж А

Долзарб мавзу

Б. Абдуҳалимов., Ф. Усарова. Мустақиллик йилларида таълим, фан ва инновацион ривожланиш (1991-2021 йй.).....	3
---	---

Илмий мақолалар

К. Норматов., Э. Нуриддинов. Шараф Рашидов – тажрибали дипломат	17
М. Тожибоев. Ўзбекистонда Учинчи ренессанс-Уйғониш даври – таълим-тарбиядаги туб бурилишлар асоси.....	25
Б. Бердиев. Мамлакат халқаро имижини шакллантиришнинг сиёсий жиҳатлари: мақсадлар стратегияси ва тактик вазифалар	35
Ж. Аҳмедов. Моддий маданият ёдгорликларини консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш	46
Б. Хайназаров. XIX асрда инлиз-рус рақобатида Афғонистондаги савдо-сотиқ масалалари	52

Илмий ахборот

С. Бўронов. Афғон муаммосига доир замонавий парадигмалар таҳлили.....	59
Д. Ходжимуратова. Эроннинг Марказий Осиёга нисбатан “юмшоқ куч” сиёсатининг айрим хусусиятлари	66
М. Сайфуллаев. Эстрада ва шоу-бизнес нимани англатади?...74	

Тарих

С. Убайдуллаева. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти	80
---	----

Янги китоблар

К. Норматов. Мамлакатнинг янгиланиш босқичлари.....	89
--	----

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Б. Абдуҳалимов – ЎзР ФА вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор

Э. Нуриддинов – Низомий номидаги ТДПУ профессори

К. Норматов – ИИВ Малака ошириш институти профессори, тарих фанлари доктори

М. Тожибоев – ИИВ Академияси кафедра бошлиғи ўринбосари, тарих фанлари доктори, подполковник

Б. Бердиев – Ўзбекистон халқаро ислом академиси катта ўқитувчиси, сиёсий фанлари доктори (PhD)

Ж. Аҳмедов – К. Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кафедра мудир, т.ф.д. (PhD)

Б. Хайназаров – ЎзМУ доценти, тарих фанлари номзоди

С. Бўронов – Тошкент Давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси, сиёсий фанлари доктори (PhD)

Ф. Усарова – ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича марказ директори, сиёсий фанлари номзоди

С. Убайдуллаева – ТДШУ ўқитувчиси, сиёсий фанлари номзоди

М. Сайфуллаев – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

Д. Ходжимуратова – ТДШУ таянч докторанти